


ТОШКЕНТ МЕТРОСИ УЗАЙТИРИЛИШИ МУМКИН 2-с.



КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ



ЖАМИЯТ

№ 25 (661)
2019 йил
5 июль,
Жума

Ижтимоий-сиёсий газета 2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган www.bong.uz jamiyatgzt@mail.ru

Коррупцияга қарши кураш — Ушбу соҳа:

Ҳаёт ва мамот Масаласи

— Юртдошлар,
пора беришни
ҳам тўхтатиш
керак!

Коррупцияга
қаршимиз!

Коррупция миллий давлат чегараларидан чиқиб, глобал масштаб касб этмоқда. Ундан олинган даромадлар легаллаштирилганидан сўнг халқаро ва миллий молиявий тизимга жойлаштирилиб, давлат ва халқаро ҳокимият ҳамда иқтисодиёт институтларини емирмоқда.

СУДНИНГ ХАЛ
ҚИЛУВ ҚАРОРИНИ
БАЖАРИШ «МАЖБУ-
РИЙ ИЖРО» УЧУН МАЖ-
БУРИЙ ЭМАСМИ?

ИШОНЧГА
ЖАВОБАН
МАҚР

АБИТУРИЕНТЛАРНИ
ҚАНДАЙ
ЯНГИЛИКЛАР
КУТМОҚДА?

4-5-с.

ҚИСҚА
САТРЛАРДА
ЎҚИНГ!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 4 июль куни Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трампни Мустақиллик куни муносабати билан табриклади.



Боди-камера 1 январдан ишлайди

Яқиндагина Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида «Йўл-патруль хизмати ходимларининг йўл ҳаракати қатнашчилари билан ўзаро муносабатлари ҳамда махсус мостамалардан фойдаланиши тартиби тўғрисида»ги қарори ва унинг ижроси тўғрисида ўз муносабатимизни билдириб, турли ижтимоий тармоқларда чиқиш қилган эдик. Ушбу хабаримизда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига боди-камераларни ишга тушириш муддатларини узайтириш бўйича тақлиф берилгани, камералар бутунлай бекор қилинмагани, фақатгина унинг ишга тушириш муддатларини узайтириш режалаштирилгани айтилган эди.

Мана бугун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мазкур масалага оид барча маълумотларни ўрганиб чиқиб ўзининг янги «Ички ишлар органлари ходимларини мобил видеокузатув воситалари билан таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорни чиқарди.

Мазкур қарор талабларига кўра, йўл патруль хизмати инспекторларини боди-камералар билан таъминлаш ҳамда уларни ишга тушириш муддати 2020 йилнинг 1 январига қадар узайтирилди.



Таъкидлаб ўтиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридан айнан шу йўналишда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар ҳамда уларнинг ижрочилари, бу ишга масъуллар, бажариш муддатлари белгилаб берилган. Қарор ижроси бўйича қатор ишлар амалга оширилди. Боди-камералар харид қилинадиган ташкилот аниқ бўлди. Энди бутун диққат-этибор маълумотларни сақлаш қурilmаларини харид қилиш, дастурий таъминотни ишлаб чиқишга қаратилган. Бу вазифанинг ҳам асосий қисми бажарилган. Эртага йўлларда турли келишмовчиликлар ва зиддиятлар, бахс мунозаралар келиб чиқмаслиги айнан мана шу дастурий таъминотни тўғри ва аниқ ишлашига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Кези келганида шунинг ҳам айтиб ўтиш лозимки, ҳар бир ҳаракат иштирокчиси йўл ҳаракати қондаларини пухта ўрганиб, ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлашга ўз ҳиссасини қўшалган бўлса, бу фақат фойда келтиради. Шу сабабми биз ҳаракат иштирокчиларидан ортқича эҳтиросларга берилмасдан қондалар талабларини бажаришларини сўраб қолган бўлардик.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЙХХББ
 матбуот хизмати

«Мажбурий тиббий суғурта тўғрисида»ги қонун лойиҳаси эълон қилинди

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳомама порталида «Мажбурий тиббий суғурта тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси жойлаштирилди.

Таъкидланишича, мазкур қонун 2021 йил 1 январдан қучга кириши кўзда тутилган.

Ушбу ҳужжат қабул қилинишидан кўзда тутилган асосий мақсад соғлиқни сақлаш тизими молиялаштирилиши самарадорлиги ва аҳолига тиббий хизматлар кўрсатиш сифатини ошириш, тиббий ёрдам қулайлигини таъминлаш эканлиги таъкидланган.

Қонун лойиҳасини тайёрлашда соғлиқни сақлаш тизими даражаси юқори бўлган Сингапур, Жанубий Корея, Исроил, Япония ва Норвегия каби давлатлар тажрибаси инобатта олинган.

Тошкент метроси узайтирилиши мумкин

Айни пайтда мутахассислар учта ерости метро йўлини охиригача қуриб битказишни ва 12 та янги станция қуришни тақлиф қилмоқда.

Лойиҳа билан учта ерости метро йўлини давом эттириш — «Ўзбекистон» линиясини «Беруний» бекатидан Қорақамиш томон (иккита янги станция), «Чилонзор» линиясини «Буюк Ипак йўли» бекатидан Тошкент трактор заводи томони (учта янги станция), шунингдек, «Юнусобод» линиясини «Минг-ўрик» станциясидан «Отчопар» томон (еттита янги станция) узайтириш тақлиф қилинган.

— Президентимиз ушбу барча йўналишлар бўйича йўловчилар оқимини атрофлича ўрганиб чиқиш, барча хизматларга шаҳар автобус ҳаракатини янги қуриладиган метрополитен бекатлари билан кесишув имкониятларини кўриб чиқиш ва келгусида ер усти метро йўли қурилишининг иккинчи босқичи ҳақида ахборот бериш ҳақида топшириқ берди, — дейди «Боштранслойиҳа» институти бош директори Рустам Рўзиев.



Ўзбекистонда жорий йилда 120 мингдан ортқ абитуриент талабалikka қабул қилинади. Янги ўқув йилида ОТМларга қабул квоталари қарийб 20 фоизга оширилди.

«Ҳаж» ва «Умра» зиёратчилари тиббий кўрикдан ўтиши осонлашди

«Ҳаж» ва «Умра» тadbирларини ташкил этиш ва ўтказишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Ҳукумат қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Қиритилган ўзгартиришларга мувофиқ, «Ҳаж» ва «Умра» тadbирларига борадиган фуқаролар туман (шаҳар)лар тиббиёт бирлашмаларида, мураккаб ва зиддиятли ҳолатларда марказий поликлиникалардан бирида бепул тиббий кўрикдан ўтказилади.

Илгари тиббий кўриқнинг барча босқичлари фақат Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида, шунингдек, Тошкент шаҳрида марказлаштирилган ҳолда битта тиббиёт муассасасида бепул ўтказилган.



Абитуриентларни қандай янгиликлар кутмоқда?

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Вазирлар Маҳкамаси ҳузурлидаги Давлат тест маркази мутасалдилари 2019/2020 ўқув йили учун олий таълим муассасаларига қабул бўйича ўтказиладиган тест синовларига тайёргарлик кўриш жараёни ҳақида журналистларга маълумот берди.

Айтилишича, бу йилги тест топшириқларини шакллантириш учун умумтаълим фанлари бўйича 140 нафардан ортқ экспертлар гуруҳи тузилган. Улар 180 мингдан ортқ тест топшириқларини шакллантиради. Тест топшириқларининг ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларидаги бир хиллиги таъминланади.

Жорий йилда намунавий тест топшириқлари 1500 дан ортқ абитуриент иштирокида апробациядан ўтказилди, ишончлигини, мураккаблик даражасининг тўғри танлангани ўрганилди, 74 мингдан ортқ тест топшириғи статистик таҳлил қилинди. Хато-камчиликлар тузатилади, айримларига ўзгартиришлар киритилди.

ДТМ мутахассислари бу йилги тест топшириқлари базасини шакллантиришда Туркия, Жанубий Корея, Россия, Япония каби мамлакатлар тажрибалари ўрганилганини айтди. Янгилик сифатида тест топшириқларида график, ёзувсиз карта, расмлар қўлланилаётгани қайд этилди.

Таъкидланишича, фаолиятнинг очиклигини таъминлаш мақсадида янги ўқув йилидан бошлаб, Давлат тест марказида мавжуд тест топшириқлари базасини жамоатчилик учун очиб қўйиш режалаштирилмоқда.

Бугунги кунда тест синовларини ўтказиш учун мамлакат бўйича 69 бино танланган. Уларнинг энг каттаси 1710, энг кичиги 240 ўринлидир. Бу биноларда бир кунда 2 та сменада 1 минг 277 та гуруҳда жами 38 минг 310 нафар абитуриент тест топшириши мўлжалланган. Тест синовларининг адолатли ўтишини таъминлаш мақсадида бир кунда 2 минг 554 нафар назоратчи жалб этилиши белгиланган.

— Бу йил абитуриентлардан олинган бармоқ изи орқали тест синовларига бошқаларнинг кириши каби қонун бузилишларга барҳам берилди. Натижада ўз билимига ишониб имтиҳон топшираётган ёшларнинг имконияти янада кенгайд, — деди Давлат тест маркази бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Қахрамон Ҳақбердиев.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан ҳамкорликда бинолар учун 1 минг 155 тадан ортқ видеокузатув камералари, 120 дона мобил алоқаларни тўсувчи қурилма, бармоқ изи асосида таниш воситалари тайёрланмоқда.

Саҳифани Lex.uz ҳамда «Hunquqiy axborot» канали материаллари асосида Карина Бертенева тайёрлади.

Суднинг ҳал қилув қарорини бажариш «мажбурий ижро» учун мажбурий эмасми?

Мамлакатимизда фермерлик ҳаракатининг йўлга қўйилиши айнан мустақиллигимиз билан боғлиқ эканини бугун барча фуқароларимиз, айниқса, ёши улўроқлар яхши билади. Илгариги колхоз-совхозлар ўрнида кўплаб фермер хўжаликлари ташкил топди. Ер, мол-мулк улар ихтиёрига ўтди. Бизда ҳам шундай бўлди. Фермерларимиз йилдан-йилга кўпая борди. Бундан тўрт йил аввал фарзандларим билан гапни бир жойга қўйиб, туманимиздаги собиқ Амир Темур хўжалиги ҳудудиде «Саида далалари» фермер хўжалигини ташкил этдик.



Фермер хўжалигида аввал ўғлим Олимжон Бўриев раислик қилди. Кейинчалик бошқа ўғлим Анвар бошқара бошлади. «Саида далалари» фермер хўжалигини ташкил этиш учун 22,5 гектар ер майдони ажратиш тўғрисида 2015 йил 15 июнда Иштихон тумани ҳокимининг қарори чиққан эди. 2016 йилнинг 28 мартинда «Саида далалари» фермер хўжалиги билан туман ҳокимининг ўртасида тузилган ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасини қайтадан тузиш тўғрисида» ҳоким қарори қабул қилинди.

Биз эса ўтган тўрт йил мобайнида фермер хўжалигини ривожлантириш мақсадида артезиан қудуги қовладик, трансформатор ўрнатдик, дала шийпони қурдик. Янги иш ўринлари барпо қилдик. Аммо ишимиз энди юришса бошлаган бир пайтда бизга халақит берувчилар, еримизга эга чиқувчилар пайдо бўлди.

Оқибатда еримизнинг бир қисми ўзгалар томонидан ўзбошимчилик билан эгаллаб олиниб, катта маблағ ҳисобига қазирган артезиан қудуги, ўрнатилган трансформатор, қурилган дала шийпони бошқалар ерида қолиб кетди. Набижон Бўтаев ва Бахриддин Норбоев деган кишилар фермер хўжалигимизга тегишли жойда ноқонуний равишда уй-жой қуриб олишти. Ойбек Ҳайитов исмли фуқаронинг ҳаракати бундан-да ошиб тушти. У тегишли идоралар руҳсатисиз хўжалигимизга олиб борадиган йўлни эгаллаб, шу ердан уй-жой қуришни бошлади. Ҳозир тахминан 25 километр ортиқча йўл босиб, даламизга айланма йўллардан боришга мажбур бўляпмиз.

Энди ўйлаб кўрайлик. Илгари экин майдонимизга борадиган йўлимиз бир километрга етиб-етмасди. Энди эса у 25-30 бараварга ошди. Шундай бўлгач, фермернинг ҳаражатлари ҳам шунга монанд бўладими? Ана шу 25-30 баравар қилинадиган ортиқча ҳаражатни фермер қарсдан қоплайди? Бу воқеадан туман ҳокими ва бошқа тегишли мутасадди раҳбарлар хабардор. Аммо негадир улар жим.

Йиллар мобайнида ҳақиқат излаб жуда кўп идораларда, раҳбарлар қабулида бўлдик. Ҳокимлик, прокуратура ва бошқа нуфузли идораларга қилган муурожаатларимизнинг фойдаси бўлмапти.

Туман фермерлар кенгаши тасарруфимиздаги ноқонуний эгаллаб олинган ерни қайтариб олиш мақсадида фуқаролик ишлари бўйича Иштихон туманлараро судига даъво аризаси киритди. 2017 йилнинг 19 январиде мазкур суднинг очик мажлисида жавобгарлар – Бўтаев Набижон ва Норбоев Бахриддиннинг ноқонуний қурилган биноларини буздириш ва ер майдонини фермер хўжалигига қайтариб бериш масаласи кўриб чиқилди. Суд бизнинг фойдамизга қарор чиқарди. Жумладан, унда шундай дейилади:

«Даъвогар Иштихон туман фермерлар кенгашининг «Саида далалари» фермер

хўжалиги манфаатларини кўзлаб, жавобгарлар Бўтаев Набижон Ортиқович ва Норбоев Бахриддин Пўлатовичларга нисбатан ноқонуний қурилган қурилишни буздириш ва ер майдонини қайтариб олиб бериш тўғрисидаги даъво аризаси қаноатлантирилсин.

Жавобгар Бўтаев Набижон Ортиқович томонидан «Саида далалари» фермер хўжалигига тегишли бўлган 244-контурдан ноқонуний равишда ўзбошимчилик билан эгаллаб олинган 1 гектар ер майдонининг 170 кв.метрдан иборат қисмида ноқонуний қурилган қурилиш жавобгарнинг ҳисобидан мажбурий тартибда буздирилсин.

Жавобгар Норбоев Бахриддин Пўлатович томонидан «Саида далалари» фермер хўжалигига тегишли бўлган 244-контурдан ноқонуний равишда ўзбошимчилик билан 1 гектардан эгаллаб олинган жами 2 гектар ер майдони жавобгарлар Бўтаев Набижон Ортиқович ва Норбоев Бахриддин Пўлатовичлардан «Саида далалари» фермер хўжалигига олиб берилсин».

Бу иш яна бир неча бор судлар томонидан апелляция ва кассация тартибда кўриб чиқилди. Ҳар гал бизнинг фойдамизга қарор чиқарилди, ажрим қилинди. Хусусан, 2017 йилнинг 16 март кунини фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди кассация инстанциясининг очик суд мажлиси шундай ажрим чиқарди:

«Даъвогар Иштихон туман фермерлар кенгашининг «Саида далалари» фермер хўжалиги манфаатини кўзлаб жавобгарлар Бўтаев Набижон Ортиқович ва Норбоев Бахриддин Пўлатовичларга нисбатан ноқонуний қурилган қурилишни буздириш ва ер майдонини қайтариб олиб бериш ҳақидаги даъво аризаси бўйича юритилган фуқаролик ишлари бўйича

Иштихон туманлараро судининг 2017 йил 19 январдаги ҳал қилув қарори ўзгаришсиз, келтирилган кассация шикоятни қаноатлантирилмасдан қолдирилсин».

Аммо ижро ҳамон амалга оширилмапти. Негадир Мажбурий ижро бюроси ишга киришмаяпти. Бу идораларга алоқатли суд томонидан қилинган ҳукми тан олишмаётганга ўхшайди. Ҳатто, бу идораларга суд қарори бажарилиш муддатини орта суришга ҳам ҳаракат қилишти.

Ана шу ўринда яна бир хатта эътибор қаратайлик:

Мажбурий ижро бюроси Иштихон туман бўлими давлат ижросини Б.Ҳожиева.

Фуқаролик ишлари бўйича Иштихон туманлараро суди Сизнинг ФИБ Иштихон туманлараро судининг 2017 йил 19 январь кунини ҳал қилув қарорини ижро ҳужжати ижросини бир марталик умумдавлат акциясини амал қилиш муддати тугагунга қадар тўхташиб туриш ҳақида ёзган хатингизни ўрганиб чиқди. Ушбу юзасидан Сизга қуйидагиларни тушунтираман.

Ўзбекистон Республикасини ФПКнинг 263-моддаси 1-2-қисмига кўра ҳал қилув қарори ноаниқ бўлса, ишни ҳал қилган суд ўз ташаббуси ёки ишда иштирок этувчи шахсларнинг аризасига, шунингдек, ҳал қилув қарорини ижро этиш зиммасига оқлатилган органлар ва давлат ижросининг аризасига кўра ҳал қилув қарорини унинг мазмунини ўзгартирмаган ҳолда тушунтиришга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонуннинг 31-моддаси 1-қисмига кўра ижрога топширилган ижро ҳужжатидаги талаблар ноаниқ бўлган тақдирда суд ижросини ижро ҳужжатини бериш учун асос бўлган суд ҳужжати ёки бошқа орган ҳужжати, шунингдек, қонунга кўра ижро ҳужжати ҳисобланадиган ҳужжатни тушунтириб беришни сўраб, ижро ҳужжатини берган суд ёки бошқа органга ариза билан муурожаат қилишга ҳақли.

Мазкур қонун талаби асосида давлат ижроси ҳал қилув қарори ноаниқ бўлса, тушунтириш бериш ҳақида ариза билан

муурожаат қилиши мумкинлиги боис давлат ижроси ҳал қилув қарорини тўхташиб туриш юзасидан тушунтириш бериш ҳақида хат билан чиқишга ҳақли эмас, бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси ФПК-да ва Ўзбекистон Республикаси суд ҳужжатларида бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонунда назарда тутилмаган.

Шу боисдан юқоридаги қонун талабларидан келиб чиқиб, Мажбурий ижро бюроси Иштихон туман бўлими давлат ижросини Б.Ҳожиевни ижро ҳужжати ижросини муддати тугагунга қадар тўхташиб туриш юзасидан тушунтириш бериш ҳақидаги хатини суд мажлисида муҳокама қилмасдан, оқибатсиз қолдирилди.

Фуқаролик ишлари бўйича Иштихон туманлараро судининг судьяси В.К. Аскарлов.

Қарантки, Мажбурий ижро бюроси ҳокимининг суд ижросини кечиктириб туриш тўғрисидаги таклифи суд томонидан рад этилди, унинг амалдаги қонунларга зид эканлиги кўрсатилиб берилди. Аммо шундай бўлса-да, мажбурий ижро бюроси томонидан суд қарорини бажариш ҳамон кечиктирилмоқда.

Қисқаси, «Саида далалари» фермер хўжалиги бутун ҳисобот учун қилинадиган барча ҳужжатларда мавжуд. Аммо ажратилган ерда ишлаш учун имконият йўқ. Очирок, бундай имкониятни суъбий равишда йўқотиш кимларгадир керак бўлаяпти. Ана ўша «кимлар» фермер хўжалигимизга тегишли ерларга қайсибир йўллар билан эга чиқишга ҳаракат қилмоқда. Ўз манфаатларини кўзлаб, раҳбарларни раҳлғияпти. Ерларимизни ноқонуний равишда эгаллаб олганлардан ерни қайтариб олиш ва ўзбошимчилик билан қурилиш қилинганлиги учун биноларни бузиш ҳақида суд қарори бўлса-да, унинг ижроси Иштихон туман мажбурий ижро бюроси томонидан пайсалга солинмоқда.

Биз эса ҳар сўзимизни исботловчи ҳужжатларга, далилларга эгамиз. Ерга эгаллик ҳақидаги туман ҳокимининг қарори, ерни қайтариб олиш ҳақидаги суд қарорлари ва бошқа ҳужжатлар қўлимизда. Уларни тан олмаётганлар мамлакатимизнинг амалдаги қонунларига, Президентимиз сиеатларига зид иш тутишмаяптимикиан?

Шу ўринда яна бир муҳим масала ҳақида гапирмоқчиман. Бир пайтлар оиламиздан бир эмас, тўрт киши Чеченистон Республикасида ишлаб келарди. Сабаби, оиламиз катта бўлиб, рўзгор боқилишнинг бошқа йўлини тополмаганмиз. Ўша пайтларда у мамлакатда турли жиноий тўдалар мавжудлигидан оммавий ахборот воситалари орқали хабардор эдик. Мен фарзандларимнинг ана шундай хавфли оқимларга қўшилиб қолишидан жиддий ташвишланардим.

Ўйлаб кўрсам, энг тинчи фарзандларимнинг ўз юртимда, ёнимда бўлиши экан. Агар ер бўлса, ҳаммамиз бир жойда, ўз Ватанимизда ишлаймиз, деган хулосага келдик. Тендерла голиб бўлиб, фермер хўжалиги ташкил этганимизда бундай хавфлардан қутилганимизга, бундан буён тинч, беҳавотир, фаровон яшашимизни ҳис этиб, қанчалар хурсанд бўлгандик. Бугун эса ҳар қадамда ишимизга тўсқинлик қилувчилар учрамоқда.

Хуллас, Иштихонда бориб турган масъулиятсизлик ҳолатлари юз бермоқда, суд қарорларига нисбатан беписандлик қилинмоқда. Бизнинг арзу додимизга юқори идоралардаги раҳбарлар қулўқ тутишар деган умиддамиз!

Отамурод БЎРИЕВ,
Иштихон туманидаги
«Саида далалари»

фермер хўжалиги иш юритувчиси



Соғлиқни сақлаш вазирлигининг маълумотларига кўра, уч ойдан ортиқ муддатда хорижда бўлиб қайтган шахслар ОИВ текширувидан ўтади.



Юртни севганлар ва унинг тақдири учун куюнчак инсонларга қувончли хабар: Президент Шавкат Мирзиёев 27 май куни коррупцияга қарши кураш дастурини тасдиқлади. «2019–2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш Давлат дастури» қабул қилинди. Давлат хизматчилари даромадларини декларация қилишга киришилади ва ҳозирча капитал курилиш ва олий таълим соҳаларида «Коррупциясиз соҳа» лойиҳаси амалга оширилади.

дан ўлгунча ҳаммасини қамраб олган коррупция ўтган даврда ундан холи бир парча ер қолдирмади. Тузилгандаёқ туғуруқхонада шифокорларга пора берилганидан бошлаб, боғча, мактаб, олий ўқув юрти, ишхона, маҳалла, ташкилотлар — ҳаммасида қўлга қарашга ўрганишгани, ҳатто, ўлганда қабристон бошлиғига пора бермаса, жой йўқ, бўлса ҳам яхши ердан тегмасди. Буни яхши билган Шавкат Мирзиёев даврга келибгина Коррупцияга қарши кураш тўғрисида қонун қабул қилинди, Дастурий чоралар кўрилмоқда.

ришининг шаффоф тартибига асосланган давлат хизмати тизимини шакллантириш, улар учун чекловлар, тақиқлашлар, рағбатлантириш чоралари ҳамда коррупциянинг олдини олиш бошқа механизмларининг аниқ рўйхатини белгилаш;

давлат хизматчилари даромадларини декларация қилиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш ва уларнинг иш ҳақи етарли даражада бўлишини таъминлаш, шунингдек, давлат хизматини ўташда манфаатлар тўқнашувини ҳал этишининг таш-

Коррупцияга қарши кураш — ҳаёт ва

Коррупция тарихи қадимийдир. Давлат хизмати тизимидаги коррупция

килий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар берган шахсларни ҳимоя қилишнинг самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмининг жорий этиш;

аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини янада ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муро-сасиз муносабатни кучайтириш;

давлат органлари ва ташкилотларининг ҳисобдорлиги ва фаолиятининг шаффофлигини ошириш; фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари фаолиятининг чинакам эркинлигини таъминлаш ва уларни коррупцияга қарши чораларни тайёрлаш, ўтказишда ва ижросини мониторинг қилишда иштирок этишга жалб қилиш.

Фармонга кўра, шу йил 1 сентябрдан бошлаб таълим муассасаларида ёшларга коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий таълим бериш бўйича комплекс чора-тадбирлар татбиқ этилиши лозим. Бундан ташқари, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва олий таълим муассасаларининг ўқув дастурларида коррупцияга қарши мавзулар янада кучайтирилади.

Бу жуда муҳим йўналиш, бунинг ҳам навбатдаги кампаниябозликка айлантормаслик муҳимдир. Чунки мактабларда ҳар янги қарор ёки ташаббус билан уюштирилган тадбирлар кўп бўляпти, янги бир ташаббус чиқса, эскиси унутилиб кетмоқда. Коррупцияга қарши кураш дарсалари тирик, жонли дарслар бўлиши лозим. Қолаверса, сир эмас, халқ таълими соҳасининг ўзи ҳам коррупцияга иллатидан қўтилган эмас. Бола эшитганини қилмайди, кўрганни қилади. Мактаблардаги пул йиғишлар, ремонтга давлат ажратадиган маблағларни ўзлаштириб, ота-оналардан пул йиғишлар, ўқитувчи маошдан ободонлаштириш ва бошқа шу каби ишларга барҳам берилмас экан, бола дарсга эмас, шу ишларга қарайди ва ўрганади.

Фармонга кўра, уч ой муддатда, шу жумладан, техник инфратузилмани ва зарур дастурий таъминотни яратишга оид зарурий чора-тадбирларни амалга оширишни назарда тутган ҳолда муайян тоифадаги давлат хизматчиларининг мулки ва даромадларини декларация қилиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилиши лозим.

Манфаатлар тўқнашуви, яъни давлат амалдорининг ўз бизнесига қайишиши курашиш лозим бўлган муҳим масалалар. Шу билан бирга, давлат

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев: «Менга бермасанг, мен қўл кўймайман», деган тизим ҳалиям бор... Буни қандай бўлмасин синдириш керак. Синдириш осон бўлмайпти. Чунки ҳаммаси шундай ишлашга ўрганган. Агар, шу балодан ҳам қўтулиб олсак, тадбиркорларга кўп енгиллик бўларди».

ҳақидаги биринчи битиклар Қадимги Бобил архивларида топилган. Кўҳна юнон ҳикматига кўра «Do ut facies» — бажариши учун бераман, дейилган.

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони билан Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг янгиланган таркиби тасдиқланди.

Агар астойдил курашилса, катта ишлар қилиш мумкин. Коррупция — жиноятнинг, албатта, давлатнинг катта ё кичик лавозимдаги амалдори иштирок этган жиноят эканлигини, айнан шуниси билан кўча киссавурлиги ёки йўлтўсар, чапанининг қароқчилигидан фарқ қилишини ҳисобга олганда, фақат амалдорлардан иборат комиссия ўзи билан ўзи курашиши лозим бўлган тўдага ўхшаши табиийдир. Умуман, мансabdорларга коррупцияни тугатиш учун пул ажратиш пиёнисталарга ичкиликбозликни тугатиш учун бир неча вагон ароқ ажратиш билан баробардир ва коррупцияга қарши курашга аталган маблағлар ҳам коррупцион схемаларнинг қурбони бўлиб, талаб юборилмаслигига қафолат йўқдир. Бу тариха комиссиялар таркибида ҳалоллигига эл шубҳаланмайдиган инсонлар ҳам бўлиши керак.

Вилоят комиссиялари таркибига ҳам ҳалол, имонли жамоатчилик вакиллари киритиш керак. Айнан Шавкат Мирзиёев «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Қонун ташаббускори бўлган ва жамоат назоратисиз, одил судлов ва ҳуқуқ-тартибот тизими, сўз эркинлиги, жасур, ҳалол ва эл ҳурматида сазовор фуқаролик жамияти вакиллари, жамоатчиликнинг ҳушёр назоратисиз коррупцияни енгитиш имконсиздир.

Фармонда коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналишлари ўрта муддатли истиқболда қуйидагилардан иборат экани белгиланди:

суд ҳокимиятининг мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, судьяларга ҳар қандай тарзда қонунга ҳилоф равишда таъсир ўтказиш шарт-шароитларини истисно этиш;

давлат хизматчиларини танлов асосида саралаб олиш, лавозимга тайинлаш ва юқори лавозимларга кўта-

декларация қилади, давлат мансabdорлари танлов асосида сараланади, суд ҳокимияти мустаҳкамланади ва мабуот эркинлиги таъминланади.

Жаҳондаги ривожланган ва ривожланаётган давлатлар аллақачон коррупция давлат барқарорлиги ва миллий хавфсизликка бевоҳита таҳдид солишини англаб етишган ва шунинг учун ривожланишмоқда. Ривожланмаётган давлатларда коррупцияга қарши курашиш зарур бўлган идораларнинг ўзи коррупциялашгандир, шунинг учун иқтисоднинг ривожланишига, сиёсий плюрализмга йўл бермаётгандир ва мамлакатни, давлатни ва миллиятининг юзини дунё олдида шувит қилаётгандир.

Ўзбекистон дунёда порохўрликка энг чуқур ботган мамлакатлар орасида қояпти. Халқаро Транспаренси ташкилотининг йиллик ҳисоботиغا кўра, Ўзбекистон 168 та давлат ичида 153-уринни олган. Жаҳон банкининг ҳисоботида ҳам у энг коррупцион 10 фоиз давлатлар гуруҳига киритилган. Албатта, бу таърифлар ҳеч биримизга ёқмайди. Лекин юзага келган ва шаклланган вазият ҳам ҳеч биримизга сир эмас. Тузилган



Бегали ЭШОНҚУЛОВ чизган сурат.

Коррупцияга қарши кураш — шунчаки бир мавсумий кампания эмас, жалид боболаримиз таърифи билан айтганда «ҳаёт ва мамот масаласи»дир. Мана, уч йилдан буён тинимсиз эълон қилинаётган, сўзинг амалга айланиши жуда қийин кечаётган иқтисодий, сиёсий, маъмурий, молиявий ислохотларнинг тақдири шунга чирмовуқдай боғлианиб турибди. Узоқ йиллар мобайнида ўргимчак тўридай давлат, жамият ҳаётининг барча соҳасини қамраган иллат ўзига тортган минглаган бюрократияга қарши кураш очган бу ҳужжат коррупцияга қарши курашиш тизими самарадорлигини ошириш, энг юқори даражадаги қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш ва мамлакатнинг халқаро майдондаги ижобий обрў-эътиборини оширишига қаратилган.

Давлат раҳбарлигига келиши билан мамлакатдаги порохўрликка, ҳуқуқ-тартибот органларидаги бебошликка ва ҳатто, зуравонликка қарши кескин кураш бошлаган Президент Шавкат Мирзиёев ниҳоят коррупцияга қарши курашишнинг навбатдаги давлат дастурини амалга киритди. Моҳияти шу: давлат хизматчилари ва амалдорлар даромадларини



Европа социалистларидан номзод сифатида кўрсатилган италиялик Давид-Мария Сассоли Европа парламенти раислигига бўлиб ўтган сайловларда ғолиб чиқди.

амалдори даромадларининг декларация қилиниши қаторида унинг яқин қариндошлари, таниш-билишлари даромади ҳам жамоатчилик назорати-га олиниши лозим. Чунки амалдор ўз мулкани аёлига, фарзандларига ва бошқа қафилланган шахсларга ўтказиб қўйиши ҳам бор гап. Декларациянинг журналистлар ва жамоатчилик томонидан синчиклаб реал фактлар билан таққосланиши ҳам зарур.

Фармонга кўра, 2020 йил 1 августдан бошлаб эксперимент тариқасида, жамоатчилик ва етакчи экспертларни, шу

маҳаллий тадбиркорликни бўғади. Коррупциядан мансабдор доира ўзини бойитиш ва сиёсий назоратни ушлаб туриш учун фойдаланади.

Коррупция қариндош-уруғчилик, маҳаллийчилик ва бизнес ришталари орқали қудратли норасмий гуруҳлар келиб чиқишига сабабчи бўлади. Мамлакатда коррупцияга қарши курашда

мамот масаласи

жумладан, хорижий экспертларни жалб этган ҳолда дастлабки босқичда капитал қурилиш ва олий таълим соҳаларида «Коррупциясиз соҳа» лойиҳаси амалга оширилади. 2020 йил 1 апрелдан бошлаб лойиҳа бошқа соҳаларга ҳам босқичма-босқич жорий этилади.

Антикоррупцион сиёсат қисқа муддатли ҳаракатларга асосланмаслиги, стратегик ҳаракатларга айланиши лозим. Антикоррупцион юқори ва куйи идораларнинг фаолияти номига бўлмаслиги керак, қонун ҳужжатлари амалдаги ҳолатни ўрганишчи талқиқот ишлари ва уларнинг ҳулосалари билан боғланиши, коррупция ҳақида аҳоли фикри ўрганилиши, илмий тадқиқотлар олиб борилиши ва уларга қуроқ солиниши шарт. Антикоррупцион комиссияга жамоат вакиллари жалб этилишини аниқ тартиби белгиланиши лозим.

Шунингдек, антикоррупцион сиёсатнинг амалга оширилишидаги нодавлат ташиқлотларнинг ҳам ролини ошириш, олиб борилаётган конкрет ишлар ҳақида аҳолининг хабардорлигини мунтазам равишда таъминлаш шарт.

Албатта, қарорларни норасмий қабул қилиш, ресурслар тақсимотида хуфёна келишувлар ва мустақил текширув бўлмаган муҳит тобора ўсиб бораётган тенгсизликни келтириб чиқаради. Иқтисодий ва сиёсий элита ўртасидаги қудрат учун курашни авж олдиради, беқарорликка сабаб бўлади.

Хукуматнинг коррупцияга қарши амалларидан ҳам мансабдор шахслар кимдандир қутулиш ё ўч олиш учун фойдаланиши мумкин. Хукумат коррупцияни ёритмоқчи бўлган, коррупцияга қарши реал курашаётган фуқаролик жамияти фаоллари ва журналистларни ҳимоя остига олиши лозим.

Коррупцияни келтириб чиқарадиган механизмлар қонунчиликда бўлади. Хорижий сармоядорлар Ўзбекистонда мураккаб лицензиялаш тизими, мужмал солиқ қонунлари ва ўта чекланган чегара-оша савдо ва валюта қоидаларига дуч келаётганларини айтдилар. Инсон факторига боғлиқ бўлган, «берсанг, қўл кўяман, бермасанг – ўламан» деган бюрократик тизим порахўрликка тизим яратиб, хорижий сармоялар истиқболига зарар ҳам еткази ва

қандайдир силжиша эришиш учун ҳам иқтисод ва сиёсий тизим ислоҳ қилиниши бошланипти, деган умидворлик бор. Энди мустақил адлия тизими ва қонун устуворлиги ривожлантирилиши керак, мабуотга кенгроқ эркинлик берилиб, фуқаролик жамияти эркинлашиши лозим.

Ҳозирги вақтда коррупция миллий хавфсизликка таҳдид солаётган асосий хавфдир. Коррупция иқтисодий қонуналарнинг эркин ҳаракатлини чеклайди, мамлакат нуфузини халқаро ҳамжамият олдига туширади. Ҳаққоний ва ижтимоий йўналтирилган бизнес бозордан сиқиб чиқарилади, чунки коррупция бундай бизнесни бефойда этиб қўяди.

Коррупция миллий давлат чегараларидан чиқиб, глобал масштаб касб этмоқда. Ундан олдинган даромадлар легаллаштирилганидан сўнг халқаро ва миллий молиявий тизимга жойлаштирилиб, давлат ва халқаро ҳокимият ҳамда иқтисодиёт институтларини емирмоқда.

Коррупция иқтисодий беқарорликка, жамият табақаланишга, самарали бозор рақобатининг йўқолишига сабаб бўлади.

Коррупция фуқароларнинг ҳокимиятдан, мулкни бошқаришдан, қонун ижодкорлиги ва уни қўллаш амалиятидан четда эканлиги, жинсий гуруҳлар вакиллари билан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига кириб қолгани, непотизм – қариндош, уруғ, қуд-андаларнинг хизмат бўйича бир-бирини кўлаб-қувватлаши, адолатни, тартибни бузиб, қариндошлари ва яқинларига даромадли ҳамда фойдали мансабларни тақдим этишга олиб келади.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев: «Менга бермасанг, мен қўл кўймайман», деган тизим ҳалиям бор... Бунга қандай бўлмасин сиқиб чиқариш керак. Сиқиб чиқариш осон бўлмайпти. Чунки ҳаммаси шундай ишлашга ўрганишган. Агар, шу баъодан ҳам қутулиб оласанг, тадбиркорларга кўп енгиллик бўларди» деган эди.

Ўзбекистон мустақиллиги тарихидаги «Коррупцияга қарши кураш тўғрисида»ги илк қонун ҳам айнан Шавкат Мирзиёев томонидан имзоланган. Бу қонуннинг имзоланиши Мирзиёев Президент ўлароқ, расман қасам ёл келтиришидан саноқли ҳафталар ўтиб амалга ошган.

Энди бу курашга ҳаммамиз сафарбар этилсак, ўз миллатимиз ва давлатимизга соҳиб чиқсак, келгуси авлодларимизнинг тақдирини бефарқ бўлмасак, албатта, юрт фаровонлиги ва барқарорлигига эришилади.

Карим БАҲРИЕВ

ИШОНЧГА ЖАВОБАН МАҚР

Сабаб қандай бўлишидан қатъий назар, аёлнинг жиноят кўчасига киришининг ўзи таҳликали. Чунки аёл аввало, она, авлодлар давомчисини тарбиялайдиган мукарам хилқат. Жамиятнинг бугуни ва келажакни уларнинг фаолияти белгилайди. Агарда бу тамойил ўзгарса, разолат хуруж қилса, унда «оиладаги маънавий муҳит», деган тушунчага шубҳа оралайди.

Дилноза Ёқубова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) асли қашқадарёлик. Аммо барча «қилмиш»ларини Тошкент шаҳрида амалга оширади. Пойтахтда доимий пропискаси борлигидан «унумли фойдаланган» Д.Ёқубова ўзганинг мулкани, ишончини суниетезмол қилиш йўли билан қўлга киритишни ўз олдига мақсад қилади. Опаси Ёзоза Қаландарованинг қайнукаси Мансур Исмоилов Тошкент шаҳри Чилонзор тумани 9-мавзе 1-ўй 18-хонадонни сотиб олиш истаги борлиги, бироқ унинг Тошкент шаҳрида доимий рўйхати бўлмагани боис, урни келиноғисининг синглиси Д.Ёқубова номига расмийлаштириш ҳақида унинг ўзидан розилик олади. Бундан фойдаланган фирибгар аёл келгусида мазкур урни ўзига олиб қолиш ҳақида режа тузади.

Д.Ёқубова розилик билдиргандан сўнг бу ҳақида ишончномани Қашқадарё вилояти Қарши шаҳар Насаф кўчаси 2-уйда жойлашган 1-сонли Давлат нотариал идорасидан 2014 йилнинг 6 январь кунини расмийлаштириб берган. Мазкур ишончномага асосан, М.Исмоилов 2014 йилнинг 10 январидан Чилонзор туманида жойлашган 4-сонли Давлат нотариал идорасида Алламжоновна Барнодан хонадонни сотиб олади.

Нафси ҳақалак отган Д.Ёқубова жиний режасининг илк босқичи ижобий ҳал этилганидан қувониб, галдаги режасини амалга оширишга киришади. У 2016 йилнинг январь ойида пойтахтдан сотиб олган уйнинг кадастр ҳужжатлари М.Исмоиловга эканини била туриб, ҳужжатларни йўқотиб қўйганини баҳона қилади. Режаси янада ишонарли бўлиши учун кадастр ҳужжатларни йўқолгани тўғрисида «Частный сектор» газетасининг 54-сонини (24.12.2015)да эълон беради. Сўнгра Тошкент шаҳар Чилонзор тумани 8-мавзе 8-«А» уйда жойлашган 4-сонли Давлат нотариал идорасидан унинг олд-сотди шартномасининг дубликат нусхасини олиб, «Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри» Давлат корхонасига боради. 2016 йилнинг 22 январь санаида буюртма аризага мувофиқ кадастр ҳужжатларининг дубликат нусхасини олишига эришади. Ундан сўнг Фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро суди томонидан Тошкент шаҳар Чилонзор тумани 9-мавзе 1-ўй 18-хонадон Дилноза Ёқубова ва унинг турмуш ўртоғи Ўктам Нишоннинг умумий мулки деб топилиши, унга Д.Ёқубова ва Ў.Нишонларнинг эгаллик ҳуқуқи белгиланиши, М.Исмоиловни эса, мазкур хонадонга киритилиб қўйилиши ҳақида ҳал қилув қарори чиқарилишига эришади. Ишни янада қонуний қилиш мақсадида «ишбилармон» аёл ва унинг турмуш ўртоғи Фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро

судига даъво аризани киритади. Мазкур аризада М.Исмоиловни бошқа тураржой билан таъминламасдан туриб, мажбурий тартибда кўчиришни сўрайди.

Судланувчи Д.Ёқубова суд мажлисида айбига иқроф бўлмайди. Унинг айтишича, 2013 йилнинг охирида қайнотаси Ш.Нишоннинг солиғи ёмонлашгани сабабли у оиласи билан Қарши шаҳрига келиб яшайди. Қаршилик пайтида акаси унга: «Сени Тошкент шаҳрида прописканг бор, номингга уй олиб бераман» дея тақлиф беради. Сўнг Дилноза касалхонада даволанаётган пайтида акаси унга кўнгирак қилиб, поччаси (Ёзоза Қаландарованинг эри) билан уни шифохонадан Қарши шаҳридаги нотариусга олиб кетади. У ерда акаси Дилнозага фуқаролик паспорти бериб, «опанг Ёзоза номига ишончнома берасан», дейди. Д.Ёқубова ишончномани ўқимай, унга қўл қўйиб беради.

Қонларнинг бирида Дилнозанинг пойтахтдаги уйига акаси келиб, куёвига ишлар беш кетаётгани, фойдалан синглисининг номига уй олиб қўйганини ва гаровга уйини қўйишини айтиб, товар сотиб олиш учун (олти ойда қайтариш шарт билан) 50 000 доллар қарз сўрайди. Д.Ёқубова акаси унинг номига уй олиб бергани учун у қайнотасининг вақтинча сақлаб туриш учун берган пулларидан 35 000 долларини акасига бериб юборади. Орадан анча вақт ўтса-да, акаси қарзини қайтармайди. Бунинг оқибатида Дилнозанинг уйдагиниқ йўқолади. Бу орада қайнотаси пойтахтга келиб, омонатини сўрайди. Иложсиз қолган Д.Ёқубова қайнотасига бор ҳақиқатини айтиди. Шу орада ишончнома Дилнозанинг опасининг номига эмас, балки акасининг номига берилганини билгач, эри билан унинг орасига яна совуқчилик тушади. Эрининг унга бўлган ишончи йўқолади. Бора-бора Д.Ёқубованинг уйдаги нотинчликлар, уруш-жанжал ва ишончсизлик унинг оиласини барбод қилади. Тошкент шаҳридаги фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро судига ажрашиш бўйича ариза беради...

Судланувчи ўзганинг мулкига кўз олайтиришининг оқибатини билганида эса кеч бўлган эди. Аёлнинг биргина жинояти уни нафақат ўзигидан, балки оиласи, яқинлари, жондан азиз дилбандларидан айрилиши ҳам ҳеч гап эмас. Ўз нафсига қул бўлган баъзи кимсалар, афсуски, бунга ўйламайди.

Суд қарорига кўра, уй М.Исмоиловга қайтариб берилди. Д.Ёқубованинг 3 нафар вояга етмаган фарзанди борлиги, яшаш жойидан ижобий тавсифланиши ҳисобга олинб, жазони биров енгиллаштирди холос.

Темур КАСИМОВ,
Жиноят ишлари бўйича
Тошкент шаҳар
Яккасарой тумани суди судьяси

4 июлдан бошлаб Сирғали тумани аҳолисига замонавий электр ҳисоблагичларни ўрнатиш ишлари бошланади. Жорий йил якунига қадар ушбу замонавий электр ҳисоблагичлар Тошкент шаҳрининг барча туманларига тўлиқ ўрнатиб берилиши режалаштирилган.





«Сиздан уяламан, дада!»

Дугоналари билан кечки овқатга бормоқчи бўлган қиз икки кун аввал янги кийим можаросини бошлади. Эркалик билан ота-онасини ноқулай аҳволга солар, кўнглига озор берадиган, гурурини синдирадиган сўзларни гапирарди. Ота-онасининг қўли калталигини юзига солаётган қиз, уларни чорасизлиги туфайли надоматга қўяётганини мулоҳаза қилмас, шартақилигини қўймасди.

— Дугоналарим бир марта кийган либосини ҳеч қачон қайтиб киймайди. Мен бўлсам, ялиниб-ёлвориб сизларга биттагина янги кўйлак олдириолмайман!

Отаси мунгайбгина чорасизлигини англатаркан, қиз унга парво ҳам қилмасди. Эски-туски нарсаларни олиб сотиш билан шугулланиб, рўзгорини амал-тақал ўтказётган бетоб ота, қишнинг совуқ кунларида иши бироз қоришмаётганидан таралдулланарди.

— Сиздан уяламан, дада, — деди қиз отасига тик қараб.

Қўли калта бетоб отанинг тиззалари қалтиради. Кўз ёшлари қалбига окди.

Кечки таомни жимгина ейишди. Оқшом онлабоши қизи киймоқчи бўлган кийимнинг нарҳини онадан сўради. Юраги ачишиб оғриётган ота пулни қандай бўлмасин топиб, қизига тутқизишни ўйларди. Эртаси куни эрталабдан қовоғидан қор ёғаётган қизининг қўлига икки юз эллик лира берди. Пулни кўриб қизнинг чеҳраси ёришди. Тонгда савло марказига отланди. Кўз остига олиб қўйган кўйлакни харид қилди. Янги кийимнинг завқи рутубатли ҳавода қизнинг руҳига илқлик бахш этди. Бахтдан сармаст, гўёки учиб-қўниб кечки овқатга борди.

Уйга қайтиб ҳам отасининг дардига парво қилмади. Телефонга ёпишиб, кечки овқатнинг муҳокамасини

қилиш учун дугоналари билан гап сотишга тушиб кетди. Лекин кундан-кунга отасининг йўтали босилмаётгани, иситмаси тушмаётганига аҳамият ҳам бермади. Хаёлида янги кўйлаги ва бу кийимда кечки овқатга маликалардек ҳамманинг эътиборида бўлгани жонланарди, холос. Онаси йўқчилик сабабли эрини, ҳатто, касалхонага олиб боролмаётганидан ўқсиниб, кўз ўнгиде умр шами сўниб бораётган жуфтига чорасиз термуларди.

Бир неча кундан кейин отанинг узоқ давом этган йўтали тонгга яқин тўхтади... Пешинга яқин ювғич отасини ювиб-тараб, кафанлаш учун олиб кириб кетар экан, қиз хануз отасининг ўлимига ишонгиси келмасди. Кўни-қўшниллар масжид айвонида ўзаро шивирлаб «Қизи истаган кийимни олиб бериш учун, уст-бошини сотиб, қишнинг совуғида касали баттар хуруж қилибди, шўрликни» деганини эшитиб, бефойда пушаймонлик оташида қовурилгани билан энди кеч эди. Энди ҳеч қандай кийим эрка-тантқиқ қизни ота меҳридай иситолмаслигини англаб етди-ю, аммо кечикди...

Суат ЎЗГЕ

Турк тилидан Умида АДИЗОВА таржимаси.

«Гуноҳкор» қушлар

Уругвайлик сиёсий маҳбуслар изн берилмагунча гапирмас, хуштак чалмас, кўшиқ айтмас, тез юрмас, бошқа бир маҳкум билан саломлашмас эди. Шунингдек, ҳомилалор аёллар, умр йўлдошлари, юлдузлар, капалаклар ва қушларнинг расмини на чиза олар, на қамоқхонага келтира оларди.

Мафкуравий гоёси учун қийноққа солинган ва ҳисбга олинган ўқитувчи Диласко Перезга бир яқшанба куни қизи билан кўришишга рухсат берилди. Беш ёшли Милай даласига ўзи чизган қушларнинг расмини олиб келади. Навбатчи назоратчи эшик олдида расмини йиртиб ташлайди. Келаси яқшанба куни Милай дарахтларнинг суратини чизиб келади. Дарахтлар таққиданмаган

эди. Шунинг учун уни олиб киришга рухсат беришади. Диласко қизини чиройли расм чизгани учун мақтар экан, ям-яшил япроқ ва шохлар орасидаги ранг-баранг юмалоқчалар нима эканлигини сўради:
— Булар мевами?
Қиз кўрсаткич бармоғини бурнига қўндирди:
— «Тш-ш-ш-ш-ш». Секин. Уларнинг кўз эканлигини кўрмайсизми? Сизга қушларнинг кўзларини олиб келдим.

Эдуардо ГАЛЭАНО
Америка адиби

Эркакнинг қулаши томоша эмас

— Ҳозир сенинг бошингни олишларини буюраман. Охириг сўзингни айт.
— Ҳеч қандай сўзим йўқ.
— Яқинларинг шу ерда. Ўғлингни кўришни истайсанми?
— Йўқ.
— Хотинингни-чи?
— Йўқ.
— Лоқақл онангга айтар сўзинг бордир?!
— Йўқ.
— Нега? Наҳотки, қалб йўқ бўлса сенда?
Гул Муҳаммад кулимсиради.
— Нега куласан?
У кўзларини юмиб деди:
— Эркакнинг қулаши... томоша қиладиган нарса эмас...

Маҳмуд ДАВЛАТ

«Мен ҳам мусофирман»

Бир йигит ҳаёт маъносини англаш учун дунё кезиш мақсадида сафарга отланди. Сафар асносида бир донишманднинг зиёратига бўлди. Донишманднинг уйи китобларга тўлалигидан, ҳатто, деворлари кўринмас эди. Уйни кўздан кечираркан, ерда бир гилам, қаравот ўрнида қўлаш учун бир тўнтак, ўртада стол ва стулдан бошқа ҳеч бир анжом йўқлигидан ҳайратланган йигит донишмандга юзланди:

— Нега уйингизда ҳеч қандай жиҳоз йўқ?
Донишманд жавоб ўрнига савол берди:
— Сенинг ҳам, чирогим, кийимингдан бўлак ҳеч нарсанг йўқ экан. Нега?

Йигит:
— Ахир мен мусофирман, кўриб турибсиз-ку, — деди.

Донишманд кулди:
— Мен ҳам худди сен каби мусофирман.

Онамни яна яратайлик!

Онасида етим қолган болакай қум ўйнаб ўтирарди. Отаси унга:

— Тур, ўғлим, қум ўйнама. Кийимларингни кир қилисан, — деди.

Бола эса:
— Сиз менга одамларнинг тупроқдан яратилганини айтганингиз-ку ёки бу ёлгон эдимми? — деди кўзлари жавдираб.

Отаси шошилганча:
— Тўғри, одамлар тупроқдан яралган, — деди.
Бола ўрнидан туриб, отасининг кўлларидан ушлади:

— У ҳолда менга ёрдам беринг, ота, онамни яна яратайлик...

— У ҳолда менга ёрдам беринг, ота, онамни яна яратайлик...

Туркчадан
Башорат ОТАЖОНОВА
таржимаси.




Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Америка ишбилармонлик стажировкаси махсус дастури (SABIT) томонидан Қўшма Штатларда икки ҳафталик стажировкага номзодларни қабул қилиш жараёни бошланганини маълум қилди.

Юзни таниш технологияси тақиқланди

Сан-Франциско кузатув кенгаши ҳуқуқ-тартибот идоралари ва бошқа маҳаллий муассасаларга юзни таниш технологиясидан фойдаланишни тақиқлади.

Сан-Франциско Америкадаги йирик шаҳарлар ичида биринчи бўлиб бу каби технологияга тақиқ қўйди.

Овоз бериш жараёнида кузатув кенгашининг саккиз нафар аъзоси тақиқлашни маъқуллаган бўлса, бир нафари бунга қарши овоз берди. Яна икки нафари бетараф қолди.



Робот Мона Лиза тасвири нусхасини яратди

АҚШдаги Браун университети-нинг тадқиқотчилари Мона Лиза тасвирини мустақил ва бир уринишдаёқ қоралама нусхага кўчириб олган робот билан тажриба ўтказди.

Тасвир устидаги тажриба видеога олинган. Унда, роботнинг чизиқлари анчайин эгри эканлигини кўриш мумкин, ammo чизилган расмнинг ўзи ҳайратланарли тарзда робот то-

монидан қайта яратилган.

Машинага япон иероглифлари ҳам ўргатилди. Бу сўзларни бошқа тилларга кўчириш имкони берилди. Шу жумладан, инглиз, юнон ва хинд тилларини ўз ичига олган.

Робот шунчаки мисолларни кўриб чиқиб вазифаларни осонгина бажарди.


Пластик идишлар зарарлими?

Тадқиқотларга кўра, пластик идишлардан кўп марта фойдаланувчи одамлар кимёвий бирикма ва хавфли бактериялар таъсирига дуч келади.

Олимлар томонидан спортчилар бир ҳафта давомида ишлатган пластик бутилкалар текшириб чиқилгандан сўнг ана шундай хулосага келинди.

Бактериялар миқдори жуда юқори кўрсаткичга эга бўлган (бир сантиметр квадрат жойда 900000 га яқин). Уларнинг 60 фоизи инсон соғлиғига таҳдид солувчи микроблар экан.

Шунингдек, пластик таркибида гармонлар ҳолатига таъсир қиладиган бисфенол-А зарарли моддаси мавжуд. Тадқиқотчилар пластик бутилкалардан кўп марта фойдаланиш мумкин эмас, деган хулосага келишди.



Тадқиқотларда Ер ютқазмоқда

«NASA» 1998 йилдан буён сайёраимиз учун хавф тугдирадиган барча самовий жисмларни ўрганишга ҳаракат қилмоқда. Бугунги кунда сайёраимизга хавф сифатида 22222 хил ўлчамдаги астероидлар кўрилмақда.

«NASA» космик хавфдан қанчалик омон қолиш мумкинлигини аниқлаш учун кенг кўламли машқлар ўтказди. Ammo машқлар давомида инсоният ютқазди. Моделлаштирилган шароитда астероид Нью-Йоркни бутунлай йўқ қилди. Кейинги шунга ўхшаш машқлар 2021 йилга мўлжалланган.

«SURXON RIELTOR SERVIS» МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади

2019 йил 5 август куни соат 11:00 да Термиз шаҳри С.Оллоҳёр кўчаси ёқасида бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар кўйилмоқда.

1. «Термиз нефть база» масъулияти чекланган жамиятига тегишли бўлган Шеробод туман «Янги Турмуш» ҚФЙ Узунсой маҳалласи ҳудудида жойлашган умумий ер майдони 1329,96 кв.м бўлган 13-сонли ФЭТШ бино иншоотлари мажмуа ҳолида.

Бошланғич баҳоси: 8 572 535 сўм.

2. Сурхондарё вилоят «Агрокимёҳимоя» ҲАЖга тегишли Музработ туман «Мустақиллик» маҳалласи ҳудудида жойлашган умумий ер майдони 1821,60 кв.м бўлган Минерал ўғит тарқатиш шохобчаси биноси.

Бошланғич баҳоси: 28 500 000 сўм.

Савдола иштирок этишни хоҳлаган талабгорлар объектлар билан «Термиз нефть база» масъулияти чекланган жамияти ва Сурхондарё вилоят «Агрокимёҳимоя» ҲАЖ масъул ходимлари орқали танишишлари мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабномалар хабарнома чиққан кундан бошлаб 2019 йил 2 август соат 18:00 гача ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) Термиз шаҳри С.Оллоҳёр кўчаси ёқаси соат 9:00 дан 18:00 гача қабул қилинади.

Юқоридаги мулклар 2019 йил 5 августдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, ёки савдо фолиби белгиланган муддатда шартнома имзолашдан бош тортса, шартнома имзолангандан сўнг шартнома шартларини бажармаса, такрорий аукцион савдоси 2019 йил 20, 30 август, 16 сентябрь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдоси фолиби савдо ўтган кундан бошлаб, 10 (ўн) календар кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш ва шартнома тузилган санадан бошлаб, 30 (ўттиз) календар кун ичида мулкнинг сотилиш баҳосини тўлаб бериш мажбуриятини олади.

Аукцион савдоларида қатнашиш истиқини билдирган жисмоний ва юридик шахслар закалат келишуви тузилганидан кейин, объект бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизи миқдорда «SURXON RIELTOR SERVIS» МЧЖнинг ХАБ «Траст банк» Термиз филиалидаги (МФО:01063. ИНН:304558702), 2020 8000 3007 1118 3001 ҳисоб рақамига закалат пули тўлашлари ва закалат пули тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат билан бирга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт.

Жисмоний шахслар: фуқаролик паспорти, СТИР (Солиқ тўловчининг идентификация рақами).

Юридик шахслар: Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат илова қилинган ҳолда. СТИР (Солиқ тўловчининг идентификация рақами).

Мурожаат учун манзил:
«SURXON RIELTOR SERVIS» МЧЖ

Термиз шаҳри С.Оллоҳёр кўчаси ёқаси

Телефон: (76) 223-77-83,

Хизматлар лицензияланган.

Лицензия RR -0291.

Эълон «SURXON SAVDO INVEST» МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади

2019 йил 5 август куни соат 11:00 да Термиз шаҳри С.Оллоҳёр кўчаси ёқасида очиқ аукцион комиссияси иштирокида мулкнинг бошланғич баҳоси қадамба-қадам ошиши тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Сурхондарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси 2-махсуус тиббиёт омборхонасига тегишли бўлган 3 дона автотранспорт воситалари кўйилмоқда.

1. 1985-йилда ишлаб чиқарилган 19/AC 615 давлат рақамли «ГАЗ 5204» русумли автомашинаси.

Бошланғич баҳоси: 2 993 642 сўм.

2. 1986-йилда ишлаб чиқарилган 52-92 СДЛ давлат рақамли «ГАЗ 66-11» русумли автомашинаси.

Бошланғич баҳоси: 2 783 378 сўм.

1. 1989-йилда ишлаб чиқарилган 75/804 GAA давлат рақамли «УАЗ 3962» русумли автомашинаси.

Бошланғич баҳоси: 2 493 617 сўм.

Автотранспорт воситаси билан Сурхондарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси 2-махсуус тиббиёт омборхонаси ходими иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Юқоридаги мулк 2019 йил 5 августдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, ёки савдо фолиби белгиланган муддатда шартнома имзолангандан сўнг шартнома шартларини бажармаса, такрорий аукцион савдолари 2019 йил 16, 30 август, 16, 30 сентябрь кунлари соат

11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдосида қатнашиш учун жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, юридик шахслардан таъсис ҳужжатлари, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда белгиланган ишончнома тақдим қилиш лозим.

Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар закалат пули тўғрисида келишувни имзолаб, закалат пулини тўлаган харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланганидан 3 (уч) соат олдин тўхтатилади.

Талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишувни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «SURXON SAVDO INVEST» масъулияти чекланган жамиятининг Х/р:20208000100512709001. ИНН: 303477661 ХАБ «Трастбанк» Термиз филиали МФО: 01063 ҳисоб рақамига тўлаши ва қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада топширишлари керак:

жисмоний шахслар паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Қўшимча маълумотлар олиш манзили:

Термиз шаҳри С.Оллоҳёр кўчаси ёқаси. Телефон 0 (376) 223-77-83. Гувоҳнома №903



«Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК 16 июлдан бошлаб «Тошкент – Тбилиси – Тошкент» йўналиши бўйлаб янги мунтазам қатновларни амалга оширади.

Боқимандалик иллати унга ёт

Кўпчиликнинг наздида ногиронлар — қўлдан ҳеч бир иш келмайдиган, фақат кўмакка муҳтож инсонлар. Аслида бундай эмас! Улар ҳам ўз имкониятлари даражасида жамиятга фойдали инсон бўлишга интилади. Ҳаёт — бу ҳаракат, ҳаракатда эса барака борлигини ўзгалардан кўра яхшироқ англайди.



Тўлганой Ишчановани шовотликлар қўли гул тикувчи, меҳрибон она, ҳаракатчан, оққўнғил ва самимий инсон сифатида танийди. Болалигидан имконияти чекланган бўлишига қарамай, тақдирнинг бешафқат зарбаси, турли синовларидан асло тушкунликка тушмади. Онасидан тикувчиликнинг сир-асрорларини кунт билан ўрганди.

— Аввало, инсон ўзини ўзи тарбиялай билиши керак, — дейди Т.Ишчанова. — Ҳаётдаги шпорим шундай — «ўзинг учун ўзинг ҳаракат қил, жамиятга, халққа фойданг тегсин!» Жисмоний имконияти чекланган дегани кўкдан чаппак тушишини кутиб ўтириш дегани эмас! Мен шундай ногирон тадбиркорларни биламан, гаплашишга ҳам вақти йўқ. Уйда бекор ўтириб қолмаслик учун ҳаракат қилади, интилади. Мен ҳам ўзгалар ёрдамига муҳтож бўлмаслик учун тикувчилик касбига кўчди. Тинимсиз ўз устимда ишладим, изландим, ўргандим. Бошида, албатта, қийин бўлди. Тажрибам ошган сари жисмоний нуқсонимни деярли ўзим сезмайдиган бўлдим. Ҳозирда аёлларнинг замонавий кийимларини исталган андоза ва фасонларда тика оламан. Озми-кўпми, доимий мижозла-

рим бор. Кувонарлиси, ўтган йилнинг охирида уйли бўлди. Уйимизнинг бошланғич тўлови имтиёзли тарзда давлат томонидан тўлаб берилди.

Тўлганойнинг тикув хонасидаги янги, замонавий русумдаги тикув машиналари ва бошқа анжомларни кўриб, булар ҳомийлар томонидан совға қилинган бўлса керак, деган савол билан унга юзландик:

— Йўқ, буларнинг ҳеч бири совға эмас. Бу асбоб-ускуналарни «Ҳар бир оила — тадбиркор» Давлат дастури доирасида 25 миллион сўм имтиёзли кредит эвазига сотиб олдим. Мижозларнинг талабларига жавоб бериш учун замонавий ускуналардан фойдаланиш керак. Ҳозирда мен аввалгидан кўра кўпроқ ишлашим, меҳнат қилишим лозим. Рўзгордан ташқари уйнинг кредитини, ҳам мана бу исътомол кредитининг фоизларини тўлашим шарт. Фарзандларим келажакда яхши ўқиши, Ватан учун нафи тегадиган инсонлар бўлиши учун ҳам бугундан ҳаракат қилишим керак. Оладиган нафақам ҳеч қанча эмас. Аммо нолимайман. Яратган менга мана шунча имконият берди. Оғир кунимда бемалол суяна оладиган оилам бор. Уйли бўлдим.

Қўлимдаги хунарим билан одамларга нафим тегиб турибди. Аслида, аёл учун бундан ортиқ бахт йўқ.

Сўздан, кўздан шуқроналик бахти уфуриб турган қаҳраонимиздаги ажиб шижоат, самимийликни кўриб, кувондик. Бизни қойил қолдирган яна бир жиҳат шу бўлдики, Тўлганой суҳбат жараёнида ногиронлигини пеш қилиб, кимлардандир ёрдам сўраш хусусида, умуман, оғиз очмади. Боқимандалик иллати унга ёт эканини сездик. Фақат суҳбатимиз якунида ийманибгина бир муаммоси борлигини айтиб қолди:

— Мана шу чиройли уйларимиз табиий газга уланганида эди, қишнинг қаҳратонида қийналмас эдик. Бу ерда яшовчи аҳолининг аксариятини имконияти чекланганлар ташкил этади. Мутасаддилар ушбу масалани ўрганиб чиқиш, амалий ёрдам берсалар яхши бўларди. Сиз тўғри тушунинг, маҳалламизнинг бошида табиий газ бор. Бироқ биз томон, нега-

дир уланмаган. Ишонинг, ўзимни ўйламайман. Мен хунарим, меҳнатим билан оиламни ҳам, уйимни ҳам эплайман. Лекин аҳволи ва шароити мендан ҳам оғирроқлар борда. Уларга раҳмим келади, ачинаман.

Дарҳақиқат, Тўлганой Ишчанованинг эътирозларида жон бор. «Оқ кўл» маҳалласининг марказида табиий газ мавжуд. Боз устига, бу маскан ўтган йили «Обод қишлоқ» Давлат дастури доирасида амалган оширилган бунёдкорлик ишлари натижасида буткул ўзгача қиёфага кирди. Бироқ қишлоқнинг намуналы уйлар жойлаган қисми эса эътибордан четда қолгандек. Хоразмлик мутасаддилар бу ҳолатни атрофлича ўрганиб, масалага ижобий ечим топишларига умид қиламиз.

Давлатназар РЎЗМЕТОВ,
«Жамият» муҳбири

Б-ҲАВО	
5 июль	+37°C / +22°C
6 июль	+38°C / +22°C
7 июль	+38°C / +23°C
8 июль	+38°C / +23°C
9 июль	+38°C / +23°C
10 июль	+38°C / +24°C
11 июль	+39°C / +25°C

ob-havo.uz сайтидан олинган.

ЖАМИЯТ

Муассислар:
Фуқаролик жамияти шаклланиши мониторинг қилиш мустақил институти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси. Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

Ўзбекистон экологик ҳаракати. Ўзбекистон Республикаси Экологин ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси.

«Фуқаролик жамияти — Гражданское общество — Civil society» журнали.

Бош муҳаррир
Мақсуд ЖОНИХОНОВ

Таҳрир хайъати:
Рустам Комилов
Рустам Қосимов
Борий Алихонوف
Акмал Саидов
Шавкат Жавлонов
Руфат Нейматов

Газета таҳририятнинг компьютер бўлимида саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси 41. Буюртма рақами Г-714 Адади: 1403.

Жума кун чикади. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ. Баҳоси келишилган нарҳда.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Навбатчи: Нуриддин Убайдуллаев

Дизайнер: Бегали Эшонкулов

100000, Тошкент шаҳри Матбуотчилар кўчаси 32.
Маълумот учун телефонлар:
(71) 233-72-77, 236-10-87, 233-91-55

Реклама ва эълонлар учун:
Электрон почта: jamiyat@mail.uz
Газета индекси — 131

«ЖАМИЯТ»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

ЎЗА якуни:
Топширилган вақти: 19.15
1 2 3 4 6

Реклама



bong.uz

Энди «Жамият» ижтимоий-сиёсий газетасида чоп этилаётган мақолалар ҳамда юртимиз ва хорижда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни bong.uz сайтида ҳам кузатиб боришингиз мумкин.



Бизни ижтимоий тармоқлардан топинг:
Телеграм: <https://t.me/bonguz1>
Фейсбук: www.facebook.com/bonguznews



Самарқандда илк ижтимоий дўкон иш бошлади. Ҳар кун соат 17:00 дан 19:00 гача бўлган вақт давомида ижтимоий дўкон очиқ бўлиб, муҳтож кишилар ўзларига зарур кийим-кечакларни олиб кетиши мумкин.